O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SAMARQAND VILOYATI
KATTAQO'RG'ON SHAHAR
**HOKIMI**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ
КАТТАҚЎРҒОН ШАҲАР
**ҲОКИМИ**

157

# QAROR

№ 385-16

2008 йил "22" июл.

***Якка тартибдаги уй-жой куриш учун ер ажратиш тугрисида***

Каттакургон шахар Колхозчи кучаси 22 уйда яшовчи фукаро Байналминалчи афгон уруши катнашчиси Юсупов Вахобиддинни шахар хокими номига ёзган аризаси, Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2006 йил 30-декабрдаги № 272-сонли «Якка тартибдаги уй-жой курилиши тугрисида»ги Низомни тасдиклаш хакидаги карорида курсатилган бандларни ижросини бажариш максадида шахарнинг бош режасини муаллифи «Узшахарсозлик» ЛИТИ билан 2008 йил 1-апрел куни келишилган № 2-10/470-сонли розилик хати ва йигилиш баёни, шахар хокимлиги комиссия аъзолари томонидан тузилган далолатномасини инобатга олиб, Узбекистон Республикаси «Ер кодекси»га асосан

**КАРОР КИЛАМАН :**

1. Каттакургон шахар хокимлиги комиссия аъзолари томонидан тузилган далолатнома тасдиклансин.

2. Каттакургон шахар Колхозчи кучаси 22 уйда яшовчи фукаро Байналминалчи афгон уруши катнашчиси Юсупов Вахобиддинга М.Улугбек кучаси атрофидаги якка тартибда уй-жойлар курилиши режалаштирилган ер майдонидан 600 (олти юз) кв.метр ер майдони шахарсозлик норма коидаларига асосан тасдикланган лойиха хужжатларга биноан якка тартибда уй-жой куриш учун ажратиб берилсин.

3. Уй-жой курилиш ишлари бугунги кун Архитектура ва курилиш конун талабларига биноан шахар архитектура ва курилиш булими билан келишилган лойиха смета хужжатлари асосида амалга ошириш фукаро Байналминалчи афгон уруши катнашчиси Юсупов Вахобиддин зиммасига юклатилсин.

4. Ерни натура тарзида жойида улчаб бериш, бугунги кун архитектура ва курилиш талабларига жавоб берадиган лойиха асосида курилишини назорат килиш шахар Архитектура ва курилиш булими зиммасига юклатилсин.

5. Узбекистон Республикасининг Ер кодексида курсатилган 2 йил муддат ичида уй-жой курилиши ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмаса ушбу карор уз кучини йукотди деб хисоблансин.

6. Ушбу карор ижросини назорат килиш шахар Архитектура ва курилиш булими зиммасига юклатилсин.

**Шахар хокими :** **Ф.Зайнуддинов.**